

## И-СС-2014-8

### Яллиғланиш ва гижжа инвазиясига қарши мэкритин дори воситасининг ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштириш ва тиббиёт амалиётига жорий этиш”

Лойиха раҳбари – к.ф.д., проф. С.Н. Аминов

“SORB-TEH” МЧЖ шароитида қизғиш рангли, ўзига хос ҳидли, аччиқ таъмга эга, тиниқ бўлган Мэкритин дори воситасининг 25,0 кг тажриба саноат туркуми ишлаб чиқарилди. Олинган саноат туркуми Корхона фармакопоя мақоласи (КФМ) лойихаси асосида таҳлил қилинди ва олинган натижалар меъёрий ҳужжат кўрсаткичларига мос келиши аниқланганидан сўнг махсус кўнғир рангли идишларга 20 мл дан 800 та флаконларга қадоқланди ва ёрликланди. Қадоқланган Мэкритин дори препарати клиник синов ўтказиш учун базалар (Тошкент Тиббиёт Академиясининг ЛОР касалликлари кафедрасининг 2- ва 3-клиникалари, Ибн Сино номли 1-шаҳар клиникаси)га етказиб берилди.

Клиник базаларда Мэкритин дори воситасининг жарроҳлик амалиётидан кейинги яра битиши таъсири ва ўзлаштирилиши ўрганилди. Тадқиқот амалиётда ишлатилаётган «Нижфарм» фирмасининг «Левомеколь» 40 г дори воситасига нисбатан таққослаб ўрганилди. Клиник анализлар (умумий қон таҳлили, эозинофил), биокимёвий таҳлиллар (АлТ, АсТ) ва микробиологик таҳлиллар (умумий ахлат таҳлили) билан ўрганилди. Текширувлар натижасида беморларда бурун бўшлиғидаги жарроҳлик амалиётидан кейинги ярани даволашда қўлланилган Мэкритин дори воситаси ижобий клиник самарадорлик ва эффективлик кўрсатди. Беморлардан препаратнинг нојўя таъсири (аллергик реакция) ҳақида ҳеч қандай шикоят тушмади. Мэкритин дори воситасининг самарадорлиги 3,9 балл, беморлар томонидан ўзлаштирилиши 4,0 балл, «Левомеколь» 40 г дори воситасининг самарадорлиги 3,8 балл, беморлар томонидан ўзлаштирилиши 3,6 баллни ташкил қилиши аниқланди. Мэкритин мойли экстрактининг беморлар томонидан яхши ўзлаштирилиши клиник синов натижасида эътироф этилди. Шундай қилиб, Мэкритиннинг самарадорлиги «Левомеколь» билан яқин эканлиги аниқланди.

Якуний ҳисобот тайёрланди ва буюртмачига тақдим этилди.